

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 4 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Раҳматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: Н.Юсупов, Г.Акмалжонова

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** iltiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 12.04.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 4). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



- [5] Шанский Н.М., Иванова В.В., Шанская Т.В., Кр. этимологич. словарь рус. яз"_(1961, 1971, 1975).
- [6] Даля И.В., Словарь живого великорусского яз. , 4-т, 220 тыс. слов, 80 тыс. слов собрал сам. (1863-66, 1880-83, 1903-09). Б де К. заменил гнездовой способ на алфавитный.
- [7] Лехина И. В., и Петрова Ф.Н., Словарь ин. слов (1964-⁶, 1979-⁷), 23 тыс. слов и терминов, указание на яз.-источник, толкование.
- [8] Щерба Л.В., Лексикографический сборник, выпуск 1 — 6, Москва, 1957-1963;
- [9] Ожегов С.И., Опыт общей теории лексикографии: Языковая система и речевая деятельность, Ленинград, 1974; Лексикология, лексикография, культура речи, Москва, 1974;
- [10] Юлдашев А.А., Принципы составления тюркско-русских словарей, Москва, 1972.
- [11] Heid, U. (2001). —Collocations in Sublanguage Texts: Extraction from Corpora. In Wrigth, E.; Budin, G. (eds.). Handbook of Terminology Management. Amsterdam: John Benjamins. 788-808.
- [12] Heid, U.; Ritz, J. (2005). —Extracting collocations and their contexts from corpora. In Pajzs, et al. (eds.). COMPLEX 2005. Budapest: Linguistics Institute, Hungarian Academy of Sciences. 107-121.
- [13] Kermes, H. (2003). Off-line (and On-line) Text Analysis for Computational Lexicography. Dissertationsschrift. Stuttgart: Universität Stuttgart.
- [14] Kilgarriff, A.; Tugwell, D. (2002). —Sketching words. Lexicography and Natural Language Processing: A Festschrift in Honour of B. T. S. Atkins. Marie-Helene Correard (Ed.) EURALEX: 125-137.
- [15] Lanthaler, F.; Saxalber, A. (1995). Die deutsche Standardsprache in Sudtiro. In Muhr, R.; Schrod, R. et al. (eds.). Österreichisches Deutsch. Linguistische, sozialpsychologische und sprachliche Aspekte einer nationalen Variante des Deutschen. 289-305.
- [16] Lanthaler, F. (2001). —Zwischenregister der deutschen Sprache in Sudtiro. In Egger, K.; Lanthaler, F. (eds.). Die deutsche Sprache in Südtiro: Einheitssprache oder regionale Vielfalt. Wien: Folio. 137-152.

**ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲИКОЯЛАРИНИНГ БАДИИЙ-УСЛУБИЙ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Ҳамидова Муҳаёхон Обидовна,
филология фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

Аннотация: Шукур Холмирзаев ўзига хос бадиий услуб соҳиби сифатида танқидчиликдан, бирёқламаликдан, баёнчиликдан қочади. Адибнинг 70-80-йиллари ёзган ҳикоялари қаҳрамонлари дунёқарашларидаги ўзгаришларнинг янги жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу қаҳрамонларнинг аксари ҳаётининг жараёнларини қандай бўлса шундайлигича эмас, қайта таҳлилдан ўтказиб, мустақил баҳолай оладиган, миллий, маънавий, маданий қадриятларга янги назар ташловчи, илгор тафаккур туфайли дадил танқидий муносабат билдирувчи кишилардир.



Калит сўзлар: ҳикоя жанри, бадиий услуб, бадиий ният, ижодий жараён, бадиийлик, ёзувчи маҳорати, сўз санъатининг ўрни, бадиий-масвирий воситалар, танқидчилик, баёнчилик, қаҳрамон дунёқараши, ҳаётий жараён, таҳлил, миллий, маънавий ва маданий қадриятлар, янгилик назар, чуқур мушоҳада.

ХУДОЖЕСТВЕННО – СТИЛИСТИЧЕСКОЕ СВОЕОБРАЗИЕ РАССКАЗОВ

ШУКУРА ХОЛМИРЗАЕВА

Хамидова Мухайёхон Обидовна

кандидат филологических наук,

доцент НамГУ

Аннотация: Шуккур Холмирзаев, как мастер своеобразного художественного стиля, избегает критики, односторонности, повествования. Рассказы, написанные автором в 70-80-е годы, отличаются новыми аспектами изменения мировоззрения главных героев. Большинство этих героев – люди, которые могут самостоятельно переанализировать и оценить жизненные процессы, по-новому взглянуть на национальные, духовные и культурные ценности и выразить смелое критическое отношение благодаря передовому мышлению.

Ключевые слова: жанр рассказа, художественный стиль, художественный замысел, творческий процесс, искусство, писательское мастерство, место словесного искусства, художественные средства, критика, повествование, героическое мировоззрение, жизненный процесс, анализ, национальные, духовные и культурные ценности, новая перспектива, глубокое осмысление.

THE ARTIST OF SHUKUR KHOLMIRZAEV'S STORIES METHODOLOGICAL SPECIFICITY

Hamidova Muhayyokhan Obidovna,

Candidate of Philological Sciences, dosent

of Namangan State University

Annotation: Shukur Kholmiraev, as owner of a unique avoids criticism, one-sidedness, narrative. Artist's 70-80 artistic style, is distinguished by new aspects of changes in the worldviews of the heroes of his stories. Most of these heroes are people who are able to re-analyze and evaluate life processes independently, take a fresh look at national, spiritual and cultural values, and express a bold critical attitude due to advanced thinking.

Key words: story genre, artistic style, artistic intention, creative process, art, writing skills, role of word art, artistic meaning critical, expressive, heroic worldview, life process, analysis, national, spiritual and cultural values, deep observation.

XX аср ўзбек адабиётини замон ўлчовида шартли равишда уч тарихий босқичга ажратсак, Шуккур Холмирзаев унинг сўнгги босқичида сўз санъатимизни янги савияга кўтарган адибларимиздан биридир.

Адибнинг бадиий-услубий ўзига хослиги ҳақида фикр юритмоқчи бўлсак, албатта, унинг ҳикояларига мурожаат этган маъқул. Унинг “Табассум”, “Ўзбек характери” каби ҳикоялари ҳам бадиий жиҳатдан юксак даражада ёзилган асарларидан саналади.



Шукур Холмирзаевнинг “Табассум” ҳикояси 1984 йилда ёзилган бўлиб, ўз даври учун катта маънавий аҳамиятга эга бўлган ҳикояларидан биридир.

Ёзувчи ҳикояни қизиқарли сюжет асосига қура олган. Рус ёзувчиси М.Горький таъкидлаганидек “Адабиётнинг учинчи элементи сюжетдир, яъни одамларнинг ўзаро алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, симпатия ва антипатиялар, умуман, кишилар ўртасидаги муносабатлари ёки бу характернинг, типнинг тарихий ривожланиши, ташкил топиб боришидир”. [4, 243]

Ҳар бир ижодкор сюжет орқали ўз олдига қўйган ижодий мақсадини амалга оширади, ўз ниятларини бадиий ифодалайди. Ўз мақсадини амалга ошириш учун фабуладан ҳам ўринли фойдаланади. “Фабула” деганда воқеалар йиғиндисини кўзда тутаман”[1, 57-58], дейди Аристотель.

“Табассум” ҳикоясидаги барча воқеалар бош қаҳрамон – Жалил ота образи атрофида уюштирилган. Шу сабабли ҳикоя воқеалари қаерда ва қайси даврда юз бермасин барчаси Жалил ота тақдири орқали йирик бир воқеанинг узвий қисмлари бўлиб кўринади. Бу эса ўз навбатида ҳикоянинг асосини, яъни фабуласини ташкил этади.

Шу билан бирга, адиб ўзига хос сюжетнинг тарикбий қисмларига қатъий риоя қилган ҳолда воқеалар силсиласини бера олган.

Жалил отанинг саратон билан оғриши ва уни билиши асарнинг тугунини ташкил этса, ўз жигарбанди, фарзандининг отаси бир умр ёмон кўриб яшаган инсон - Мўмин чол билан қуда бўлишини ўзига шараф деб билишини эшитиши ҳикоянинг кульминацион нуқтасини белгилайди. Отанинг бу тўйни қолдириб, кўз юмиши эса асарнинг ечимини ташкил этади. Адиб ана шундай чиройли сюжет асосида ўз мақсадини англага олган.

Ҳияни ўқийётган китобхонга асардаги воқеалар қизиқ туюлиши мумкин. Нима учун ота суюкли набирасининг тўйи бўлишини истамаяпти? Мўмин нима гуноҳ қилган эдики, ота уни кечира олмаяпти? Уни кечириб, тўйга розилик берса бўлар эди-ку? Кечириш ҳам инсоннинг қандай эканлигини кўрсатадику. Лекин Жалил ота Мўмин чолни кечира олмайди. Унинг учун бу тўй бўлмаслиги керак, сабаби, у Мўминни кечира олмайди. Ўз авлодининг қони душманнинг қони билан қўшилишини истамайди. Миллий қаҳрамонлардан бири Қуюнга берган ваъдаси бўйича Мўминнинг сирини фош қилмай келаётган бўлса ҳам, ҳеч қачон уни тан олмаслигини, ўғлининг бу пасткашлигини унга англатиш учун курашади. Қандай йўл билан? У ахир тузалиши мумкин бўлмаган касал билан ётган бўлса, деб ўйлайди китобхон. Чол жанглarda тобланган, эътиқодида собит инсон бўлгани учун бунинг ҳам йўлини топади. У ўғлининг унга киритадиган овқатини емай, уни яшириқча тўқади, ўзини оч қолдириб ўлади. Ёзувчи унинг ўлимини шундай яқундайди: “У қарахт бўлиб қолди.

Кейин, ўғли, келини ва Садаф тепасида кўз ёши қилиб турганда кетди. Ҳаммани даҳшатга солган нарсаси – унинг юзида қотиб қолган табассум бўлди. Тўй қолди”. [7, 116]

У ўлаётганида ҳам табассум билан ўла олди. Бу табассум билан Мўмин кабиларни тан олмаслиги, улар устидан ўзи ва Қуюндек инсонлар поклик ва эътиқодлари сабаб ғалаба қилганликларини билдириб, табассум билан ўлди.



Адиб ҳикояда шўро даврига хос мустабид ва алдоқчи сиёсатнинг барча қабоҳатларини бир шахс тақдирига жо қилиб, Жалил отанинг ўз-ўзлигини тафтиш қилиш йўли билан ўзи яшаб ўтган давр устидан ҳукм чиқаради.

Воқеликни идрок этиб, адабиёт қозонида қайта пишириш, ҳикоя мақомига кўтариш ҳар қандай қалам аҳлининг қўлидан келавермайди. Ҳеч шубҳасиз, Шукур Холмирзаев ана шундай босқичлардан ўтиб, ўз ҳикоялари устида жиддий ишлайди. Бу ҳолни “Табассум” ҳикоясини ўқиш, таҳлил қилиш орқали ҳам кўриш мумкин. Жалил ота орқали шахснинг ўзлигини англай бориши жараёнида шу қадар мураккаб, чигал ва нозик муаммоларга дуч келиши, унинг энг севикли набираси билан ҳам кўра олмаслигини кўрдик. У ҳақда ўз ўтмишини тафтиш этиш орқали ўзи, виждони, имони билан бамаслаҳат ҳукм чиқарганини кўриб китобхоннинг Жалил отага ҳурмати ошади. Ёзувчи асарнинг китобхонга таъсирли чиқишини истаб асарда ўзига хос конфликтни юзага келтира олган.

Биз Жалил ота билан Мўмин чол ўртасидаги конфликт орқали характерлар аро конфликтни кўраимиз. Тўғри, Мўмин чол билан Жалил ота ёшлиқларида шундай тўқнашувга дуч келишадик, бу уларнинг бир умр бир-бирлари билан душманлашиб қолишларига сабаб бўлади. Жалил ота ёш бўлса ҳам оқ-қорани тушунишга ақли етади. Мўмин эса ўз манфаати йўлида ўзига ишонган, яхши қарши олган Қуюн унга таслим бўлганидан фойдаланиб, уни тириклай Шўро ҳукумати қўлига олиб бориб беради, бу ишидан эса виждони қийналмайди ҳам. Жалил эса йўлда Мўмин томонидан дўқ-пўписа билан, туртиб-суртиб олиб кетилаётган Қуюнни кўриб чидай олмайди. Шу ердаги суҳбатдан Мўмин ва Жалилнинг қандай инсон эканликларини билиш мумкин. Жалил ўз инсоний виждонига хилоф бормаган ҳолда қолса, Мўмин, бир юртдошининг қўлини боғлаб Шўрога “мен тутдим” деб олиб боришдан, бу иши учун мукофотланганида эса қилча виждони қийналмайди ҳам. Шу конфликт туфайли иккиси кўпчиликнинг олдида салом-алик қилса ҳам, бир-бирини кўришни истамайдилар.

Шукур Холмирзаев мазкур ҳикоясида қаҳрамонлар психологиясини уларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, имо-ишоралари орқали маҳорат билан кўрсатади. Адибнинг услуби шундай.

“Ҳикоянавис воқеликни ғоят сезгирлик билан идрок қилиши керак, у ҳаёт ҳақиқатини бутун борлиғи билан кўриши, ҳатто бу ҳақиқат турмуш икир-чикирлари туфайли чанг босиб хиралашиб қолса ҳам, барибир уни равшан кўра билиши керак”, [5, 70-71] деган эди Абдулла Қаҳҳор. Адиб ҳам мазкур ҳикоядан кўриниб турибдики, воқеликни ижобий ёндашган ҳолда ўз даврида қораланиб келинган миллий истиқлолчилар-миллий қаҳрамон образини гавдалантириб ўз мақсадига эриша олди.

Ёзувчи ўшз мақсадига эришиш учун персонажларни келиришга ҳам катта эътибор беради. Ҳикояда унинг фарзанди бир ўғил, ўғлининг фарзанди ҳам бир қиз холос. Ҳолбуки, ўзбеклардек серфарзанд халқнинг бир фарзанди бўлиши мумкин эмас. Боринг унинг фарзанди битта бўлсин, лекин ўғлининг ҳам битта фарзанди бўлиши китобхонга ғайритабиий туғилиши мумкин. Аммо адиб бу “камчилик”ка эътибор бермай, ҳикоядаги воқеаларнинг бориш жараёнидан келиб чиқиб айнан шундай тасвирлайди. Ёки ҳикояда Жалил отанинг келини бир неча маротаба тилга олинади, лекин унинг исми эса асарда келтириб ўтилмайди. Ёзувчи бу ўринда ҳам ўзбекларнинг хотин-қизларга бўлган муносабатларини ҳам келтира олган. Яъни Шарқ аёлларининг



исми ҳеч қачон тилга олинмайди. Қизлигида тилга олинishi мумкин, лекин у турмушга чиққач “келин” деб, фарзандли бўлгач турмуш ўртоғи томонидан бош фарзандининг исми билан аталади. Муҳими, у Жалил отанинг келини. Шунинг учун уни келин деб танийди китобхон. Адабиётшунос олим Р.Қўчқоров айтганидек “Ҳар қандай ортиқча персонаж ўз орқасидан ортиқча тафсилотни эргаштириб киради ва бу ҳикояга тўсиқ бўлиб, оқимга халақит беради”[8, 235] Адиб шунинг учун ҳам ортиқча тафсилотлардан қочади, кераксиз персонажларни асарда қўлламайди.

Адабиётшунос олима Н.Владимирова “Адабиётда янги давр янги қаҳрамон билан бирга пайдо бўлади”, [3, 30] деган фикрига қўшилган ҳолда адиб мазкур ҳикояси билан илк бор миллий қаҳрамон, миллий характер образига ҳаққоний ёндашиш мумкинлигини исботлади. Илк бор шу характерни асарда бор бўйича ёритиб бера олди. У Шўро ҳокимияти учун курашган Мўминни миллий қаҳрамон қилиб олмайди, балки шу Шўро ва унинг ғояларига қарши курашувчи Қуюн образини миллий қаҳрамон сифатида ишончли тарзда тасвирлай олди. Академик И.Султонов ҳам Н.Владимированинг фикрига қўшилган ҳолда “Адабиётдаги янгилик ҳаётдаги янгиликни пайқаб олишдан бошланади”, [6, 2] деган фикрни илгари суради.

Адабиётшунос олим Ҳ.Болтабоев айтганидек, “Шукур Холмирзаев ҳикояларининг услуб жиҳати шу билан ўзига хоски, у маълум характер ва қаҳрамонларга қайта-қайта мурожаат қилиб, уни ҳар томонлама текширишни, унинг феъли ва қалб бисотидаги туйғуларни фақатгина қаҳрамон нутқи ва ҳаракати билан ифодалашга эришади”. [2, 4] Биз шу ўринда олимнинг мазкур фикрига қўшилган ҳолда, бир оз эътироз ҳам билдираемиз. Шукур Холмирзаев нафақат ҳикояларида, балки йирик насрий асарларида, драматик асарларида ҳам маълум характер ва қаҳрамонларга қайта-қайта мурожаат қилиб, уларни кенг текширади. Олдин йўл қўйган хатоларини тузата боради. Буни юқорида кўриб ўтганимиз ҳикояда ҳам кузатиб, ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Ёзувчи ижодини кузатар эканмиз, яна унинг услубига хос қўйидаги ҳолларни кузатамиз. Ёзувчи қаламга олган ҳодисаларнинг аксари драматизмга, эҳтиросларга жуда бой бўлади; лекин адиб уларни китобхондан иложи борича пинҳон тутаяди, чунки, бу иши билан китобхоннинг ўзи илғаб олишига ишонади. Бу эса У.Норматов айтганидек, “баъзан тасвирдаги таъсирчанликни, жозибани сусайтириб қўяди. Ҳар ҳолда адабиёт – санъат. У ҳиссиётга мойил соҳа”. [8, 22] Бу фикрга ўз навбатида ёзувчи шундай жавоб берган эди:

“Энди “ҳиссиётни жиловлаш” деган гапингизга келсак, худо ҳаққи гапингиз рост – бу ҳол менда керагидан ортиқ бор! Шунинг учун баъзан юрагим сиқилади. Асаримда жиловланган туйғуларим юрагимда жумбуш қилиб ётади ва мен уларни хаёлан асарда тиклаб завқ оламан. Шу нуқтага эътибор қилишингизни сўрайман! Бу деганим – навбатдаги асаримда ана ўшандоқ ўринларни қандай ёзиш ҳақида ўйлайман деганим”. [8, 22]

Умуман олганда, ёзувчи ўзининг нозик ҳиссиёти ва таъсирчанлиги туфайли ҳам ҳеч ким пайқаманган ёки кўрса ҳам эътибор бермаган ҳодисаларни пайқайди, ўз асарларида буларни янада қизиқарли ва китобхонга таъсирли тарзда етказа олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аристотель. Поэтика.- Москва: ГИХЛ, 1957.- Б. 57-58.
2. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб.- Тошкент: Фан, 1992.- Б. 4.



- 3.Владимирова Н. Ўзбек ҳикояларида ғоя ва образ. –Тошкент: Фан, 1969.* Б. 30.
- 4.Горький М. Адабиёт ҳақида.- Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962.- Б. 243.
- 5.Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976.- Б. 70-71.
- 6.Султон И. Азиз остонада сўз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990.- 21 декабрь.
7. Холмирзаев Ш. Бодом қишда гулади. – Тошкент: Адабиёт ва санат, 1986.- Б116.
- 8.Холмирзаев Ш., Норматов У. Услуб: бадиий шакл муаммолари // Шарқ юлдузи, 1977.- № 8. – Б. 212.
- 9.Кўчқаров Р. Уч ҳикоя талқини.- Камалак: Адабий-танқидий йиллик тўплам. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989.

УДК 811.512.133:59

ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ХУСУСИДА

Шарипов Фазлиддин Галиевич
Гулистон давлат университети
Филология фанлари номзоди, доцент
Тўйчиева Зулайҳо Ҳамрақуловна
Гулистон давлат университети
ўқитувчи

Тел: 97-219-67-07 e-mail: sharipovdpr@mail.ru

Аннотация: Мақолада ўзбек тилишунослигида морфологияга оид илмий қарашларнинг шаклланишида сўз туркумларнинг роли ва аҳамияти тўғрисида сўз боради. Муस्ताқил, ёрдамчи ва алоҳида олинган сўз туркумлар таҳлили ҳамда қардош тилларнинг грамматикаси доир маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: сўз туркуми, ўзак, негиз, қўшимча.

О МОРФОЛОГИЧЕСКОМ СТРОЕНИИ СЛОВА В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Шарипов Фазлиддин Галиевич
Гулистанский государственный университет
Кандидат филологических наук, доцент
Туйчиева Зулайҳо Ҳамрақуловна
Гулистанский государственный университет
преподаватель

Тел: 97-219-67-07 e-mail: sharipovdpr@mail.ru

Аннотация: В данной статье речь идет о роли и значении частей речи в формировании научных взглядов, относящихся к морфологии узбекского языкознания. В ней даны анализ независимых, служебных и отдельно взятых частей речи, также сведения о грамматике родственных языков.

Ключевые слова: часть речи, корень, основа, окончание.

ON THE MORPHOLOGICAL STRUCTURE OF THE WORD IN THE UZBEK LANGUAGE

Sharipov Fazliddin Galievich



МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 **Аморф яримўтказгичларда экспоненциал оптик ютилиш коэффициенти спектри ва валент зона думидаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимооти**
Икрамов Р. Ғ, Жалалов Р. М, Ураимжонов И.М, Бекбоева С.Қ, Турғунова Н. А..... 3
- 2 **Представление элементы вариационного ряда**
Мадрахимов А.Э 9
- 3 **Математик мантиқнинг баъзибир татбиқлари**
Неъматов И, Акбарова С.Х 14
- 4 **Molekulyar fizikadagi fizik kattaliklarning statistik tavsifi**
Xolmo'minov J. O, Abdullayev J. M, Izbosarov B.F 17
- 5 **Задача продолжения для абстрактного бикалорического уравнения**
Эгамбердиев О.М 22
- 6 **Modification of "life line" game of isaacs**
Samatov B.T, G'ayniddinov Sh.T, Uzoqboyev X.Q, Abdurahimova Z. I..... 25

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 7 **Темир (II) ва (III) ионларининг аралаштирилганлиги комплекслари тузилишини ядро гамма-резонанс спектроскопик усулида ўрганиш**
Алиев Т.Б, Хусенов К. Ш, Мухиддинов Б. Ф, Бегманов С. Н 33
- 8 **Helianthus tuberosus L.(топинамбур) ўсимлиги полисахаридларининг анализи**
Маматкулова С. А, Дехканов Р.С, Абдуллаев Ш.В, Матмуродов У.У 38
- 9 **Количественное определение состава и сравнительные исследования физико-химических свойств крахмала различного происхождения.**
Карева Н.Д., Муслимова М.А., Шахобутдинов С.Ш., Югай С.М.,
Турдикулов И.Х., Атаханов А.А..... 43
- 10 **Обогащенный суперфосфат на основе переработки мытого сушеного концентрата**
Расулов А.А, Очилов С У, Намазов Ш.С, Пирназаров Б.У, Курбаниязов Р.К..... 50
- 11 **5-гидрокси-3'-метокси-7,4'- диацетилокси-флавоноининг каламуш аортаси қисқариш фаоллигига таъсирини ўрганиш**
Омонтурдиев С.З., Зарипов А.А., Мирзаева Ю.Т., ¹Усманов П.Б., Комилов Б.Ж..... 58



	Саримсоков Х. А	278
55	Оксюморон бадий матни шакллантирувчи восита сифатида Абдупаттоев М. Т	283
56	Classification of english terminology related to construction and their translation Zakirova Kh.A	289
57	Rus tili mashg‘ulotlarida axborot-kommunikativ texnologiyalarni samarali qo‘llash masalalari Рахматова О.К	292
58	Methods of teaching construction terminological units in foreign language Salimova K.M	296
59	Жаҳон ва Ўзбек тилшунослигида когнитивизмнинг илмий - назарий ахамияти. Сайфутдинова М	299
60	Вариационные трансформации фразеологических единиц в кратких немецко - иноязычных фразеологических словарях Эм Мая	306
61	Роль ученических тетрадей в усвоении и закреплении знаний. Джуманазарова З	309
62	Миллий тўқимачилик ва енгил саноат газламаларининг терминлариаро муносабат турлари Аъзамов С.М.	312
63	Швейцария адабиётида кичик насрнинг ривожланиш босқичлари Кучкарова Х.Ш	319
64	Principles of compiling of the uzbek-german bilingual electronic dictionaries Komolova Sh A	326
65	Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги Ҳамидова М.О	330
66	Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши хусусида Шарипов Ф. Г, Тўйчиева З. Ҳ	335
67	Factors that have influenced on Khudoyberdi Tukhtaboyev 's adventure novels Qo‘chqorova M	340

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES**

68	Improving the organization and management of pedagogical processes in higher education institutions through a strategic approach Turgunov S.T, Akmalova D. T	346
69	Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт психологларини тайёрлаш муаммосига тизимли ёндашув Турсуналиев И.А	352
70	Историческое мышление будущего учителя истории как фактор	